



## ЎЗБЕКИСТОНДА АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ УНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Эшматов Срождиддин Тоғаймуродович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0008-7385-1574

[eshmatov\\_st@mail.ru](mailto:eshmatov_st@mail.ru)

**Аннотация.** Акциз солиғи давлат даромадларини шакллантиришда ва муайян товар ва хизматлар истеъмолчини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Ушбу мақолада акциз солиғи маъмуриятчилиги бўйича мавжуд адабиётлар кўриб чиқилди, илғор халқаро тажрибалардан хулосалар олинди. Унда назорат механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган, асосий эътибор солиқ органларида сиёсат ислохотлари, технологик интеграция ва салоҳиятни оширишга қаратилган.

**Калит сўзлар:** маъмурият, қийинчиликлар, самарасизлик, мувофиқлик, даромадларни оптималлаштириш, тартибга солиш натижалари, солиқлар ва солиққа тортиш, эгри солиқлар, акциз солиғи, акцизости маҳсулотлар, акцизости товарларни солиққа тортиш амалиёти.

## ВВЕДЕНИЕ АКЦИЗНОГО НАЛОГА В УЗБЕКИСТАНЕ, ЕГО ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ И ПРАВОВАЯ ОСНОВА

**Эшматов Срождиддин Тоғаймуродович**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** Акцизный налог играет важную роль в формировании доходов государства и регулировании потребления отдельных товаров и услуг. В данной статье рассмотрена существующая литература по администрированию акцизного налога, сделаны выводы из передового международного опыта. Он определяет основные направления совершенствования механизмов контроля, основной упор делается на реформирование политики, технологическую интеграцию и наращивание потенциала налоговых органов.

**Ключевые слова:** администрирование, трудности, неэффективность, соблюдение требований, оптимизация доходов, результаты регулирования, налоги и налогообложение, косвенные налоги, акциз, подакцизные товары, практика налогообложения подакцизных товаров.

## INTRODUCTION OF EXCISE TAX IN UZBEKISTAN, ITS ECONOMIC NATURE AND LEGAL BASIS

*Eshmatov Srojiddin Toghaymurodovich*  
*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *Excise tax plays an important role in the formation of state revenues and regulation of the consumption of certain goods and services. This article reviewed the existing literature on excise tax administration, drew conclusions from advanced international experiences. It defines the main directions of improvement of control mechanisms, the main focus is on policy reforms, technological integration and capacity building in tax authorities.*

**Key words:** *administration, difficulties, inefficiency, compliance, revenue optimization, regulatory results, taxes and taxation, indirect taxes, excise tax, excise goods, the practice of taxation of excise goods.*

### **Кириш.**

Мамлакатимизда солиққа тортиш тизими ва солиқ маъмурчилигини, шу жумладан, акциз солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. Мустақилликка эришганимиздан кейин 1992 йилдан, республикаимизда акциз солиғи илк бора жорий қилинганда бери, доимий равишда уни ундиришнинг мақсадлилиги, миқдори, товарларнинг импортида, шу жумладан, МДХ давлатларидан, ҳамда солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиби бўйича баҳсли мунозаралар олиб борилмоқда. Шу сабабли, республикаимизда акциз солиғини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ҳамда шу аснода баҳсли масалалар ечимини ишлаб чиқиш билвосита солиққа тортиш ва солиқ маъмурчилигининг назарий омиллари ҳамда жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш ва таҳлил этиш нуқтаи назаридан олиб қарагандагина мақсадга мувофиқдир.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади.

Каширинанинг (2017) фикрича, акциз солиғи тизими мураккаб ҳисобланади. Акциз солиғи ва алкогольли маҳсулотларнинг муомаласини назорат қилиш муаммоси мавжуд, чунки уларни сотиш ҳажми ноқонуний ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўламига тўғри келади ва катта миқдордаги маблағлар давлат бюджетидан ташқарида муомалада бўлади. Муаммонинг ечими алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда назоратни кучайтириш ва акциз тизимида етарли солиқ солинадиган базани яратиш учун шарт-шароит яратиш бўлиши мумкин.

Делипалла (2009) томонидан “акциз солиғи билвосита солиқларнинг таркибий қисмларидан биридир. 1976 йилдаги Акцизлар тўғрисидаги қонуннинг 6-бўлимида кўрсатилганидек, Малайзияга ва маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга импорт қилинадиган акциз солиғи. Бу бож давлат истеъмоли ёки ижтимоий муҳандислик тенденциясини ўзгартириш механизми сифатида ишлатилади. Акциз солиғи тўғрисидаги актда мажбурий бўлган товарларга спиртли ичимликлар, тамаки, сигареталар, сигареталар, тўрт ғилдиракли ҳайдовчилар, кўп мақсадли транспорт воситалари ва ўйин карталари киради”.

Гилес, Теддс (2002) томонидан контрабанда фаолиятини солиқ органидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида амалга ошириладиган қонуний ёки ноқонуний, бозор ёки бозордан ташқари барча операциялар деб таърифлаган. Билвосита солиқларни тўлашдан бўйин товлаш кўпинча контрабанда, айниқса божхона тарифлари бўйича

жиноятлар билан боғлиқ. Контрабанда жиноятлари ембарго, маҳсулот сифати ва квоталар каби пул ва пул бўлмаган даромадларга таъсир қилади.

Ҳаи ва Сее (2011) томонидан солиқ тўловларига қасддан ёки қасддан жалб қилинган компаниялар, жисмоний шахслар иштирокидаги ўлчовлар бўйича дуч келган қийинчиликлар туфайли мос келмаслик бўйича тадқиқот олиб боришди. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда асосий эътибор солиқ тўловчи сифатида импорт қилувчилар ўртасида акциз солиғини бажармаслик ҳодисаси ва омилларига қаратилган.

Бундан ташқари, француз иқтисодчиси Дэмэзон (2021) таъкидлаб ўтган эди: “Акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир”.

Боровко (2012) фикрича, “ҳозирги замон солиқ сиёсатининг истиқболли йўналиши ва концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлашдир”.

Тегетаева (2016) фикрича, “акциз солиғи эгри солиқ таркибига кирсада, ҳозирда унинг асосий аҳамияти аҳоли ижтимоий истеъмолчининг ҳолати ва истиқболлини баҳолаш мезони эканлигидадир”.

Троянская ва Низамиевалар (2013) таъкидлашча, “билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида акциз солиғидан истеъмолни тартибга солувчи ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш имкониятларини яратиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир”.

Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили “акциз солиғининг зарурлиги” тушунчаси моҳиятини тушунишга уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди. Мамлакатимиз солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларимиздан Э.Гадоев, Т.Маликовларни ҳам мисол келтириш мумкин. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида акцизоти товарларни солиққа тортиш амалиёти ҳамда акциз солиғи маъмуриятчилиги мавзуси жуда кам ўрганилган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, акцизоти товарларни солиққа тортиш амалиётини самарали бошқаришда креатив ёндашувларнинг амалий аҳамиятини ёритиш бўйича илмий хулосалар берилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Иқтисодий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос солиқ тизимининг вужудга келиши аввало унинг таркибига кирувчи солиқларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Солиқ тизимида энг ички ўзгарувчан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кўплаб омиллари билан тўқнашувчи солиқ бу – акциз солиғидир. Шу боис, акциз солиғининг моҳиятини ижтимоий-иқтисодий тараққиётга боғлиқ ҳолда ўрганиш энг долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда. Акциз солиғи эгри солиқ бўлганлиги сабабли унинг иқтисодий моҳияти давлат билан юридик шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали ҳарактерланади. Шу боис, акциз солиғи ўзига хос фискал иқтисодий категория сифатида қаралиши лозимдир.

Акциз солиғи ривожланган хорижий давлатларда ҳам давлатнинг умум солиқ сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Акциз солиғи корхона маҳсулотлари ва хизматлари баҳоси устига ёки таърифиға устама шаклда тўғридан тўғри киритилувчи эгри солиқ тури ҳисобланади. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти бюджет тушумини таъминлаш орқали халқ хўжалиги манфаатларини қондиришга, кўпроқ маблағларни жалб эттириши орқали намоён бўлса, унинг ижтимоий моҳияти аҳолининг, яъни асосий истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятларини ошишида ўз ифодасини топади. Бу эса акциз

солиғи объектлари (акциз ости товарлари)ни қисқартирилишида, солиқ ставкалари пасайишида, аҳоли тўлов қобилиятини ўсишида намоён бўлади.

Акциз солиғининг функцияларидан бири, жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан фукарларнинг, айниқса ёшларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар таркибига киритилган айрим маҳсулотларни чеклашдир.

Акциз солиғи - билвосита солиққа тортишнинг энг қадимий шаклларида бир тури бўлиб, қўшилган қиймат солиғидан фарқли маълум бир чегараланган тур ва гуруҳдаги маҳсулотларнинг нархига қўшилади.

“Акциз” сўзи француз тилидан келиб чиққан бўлиб, “чошиб ташлаш, кесилган” маъносини билдиради. Бу солиқ XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Европа давлатларида маъмурий давлат аппаратлари шаклланаётганда, бевосита ва билвосита солиқлар гуруҳи ташкил топа бошлаган. Бунда билвосита солиқлардан акцизлар асосий ўрин тутган ва у шаҳар дарвозасидан чиқарилган ва киритилган моллардан бевосита 5% дан 25 % гача ундирилган. Ўзбекистонда эса бу солиқ янги таркиб топган солиқлардан бири ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки акциз солиғи-ижтимоий зарарли товарларни истеъмол қилишни ушлаб туришга хизмат қилади деган фикрлар ҳам мавжуд. Ўзбекистонда акциз солиғига катта рентабелликка эга бўлган товарлар тортилади.

Акциз солиғи ўз моҳиятига кўра товар баҳосига киритилувчи ва охириги истеъмолчи томонидан тўланадиган билвосита солиқдир. Унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти фақат тақсимот даражасига қараб ифодаланади ва такомиллаштирилади. Акциз солиғи Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кейинчалик киритилган ва республика иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда илк маротаба 1992 йилда жорий этилган эди. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан акциз солиғи билвосита солиқ кўринишида бюджетга ундириладиган, нархда ва қўшилган қиймат солиғи базасида ҳисобга олинадиган соф даромаднинг бир қисмидир. Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғи билан маълум бир ўхшашликларга эга, лекин ўзининг алоҳидалик, аниқ товарлар билан боғлиқлик даражаси билан ажралиб туради (Кодекс, 2020).

Билвосита солиқлар кўп йиллик тарихга эга. Темурийлар салтанати даврида ғазнани тўғри солиқлар, жумладан ер солиғи (хирож), жон солиғи (жузья), салт хайвонлар етказиб бериш мажбурияти (улоқ) ва баъзи бир фавқулотда солиқлар (оворизот) каби асосий солиқлар ҳисобланар эди. Темурийлар даврида бевосита солиқлар сифатида “тамға” йиғими кенг тарқалган, бу йиғим асосан хунарманд ва савдогарлардан олинар эди. Вақт ўтгач акциз солиғига тортиладиган бу товарлар доираси кенгайди. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичларида (1992-1994 йиллар) солиқ тизими ижтимоий-иқтисодий йўналишларга эга бўлган бюджетни шакллантириш масалаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган эди. 1993 йилда пахта учун акциз солиғи киритилди.

1994 йилнинг октябрида эса - четдан келтириладиган тамаки маҳсулотларига, 1995 йилнинг январидан четдан келтириладиган алкоголь маҳсулотларга акциз солиғи қўлланила бошлади. Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида (1995-1997 йиллар) Ўзбекистоннинг солиқ тизими маълум даражада такомиллашган эди. Бир қатор солиқларнинг ман қилингандан кейин акцизостии товарларнинг таркиби кенгайтирилди. Унинг таркибига четдан келтириладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларидан ташқари, бензин, нефт, табиий газ кабилар киритилганлиги натижасида акциз солиғининг давлат бюджети даромадлари салмоғи 1995 йилда 27 фоизни ташкил этди ва 1994 йилга нисбатан 2 фоизга ўсиш кузатилди. 1996 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки

маҳсулотларини ва спиртли ичимликларни (пиводан ташқари) мажбурий равишда акциз маркалари билан маркалашнинг жорий этилиши ҳамда уларни акциз маркаларисиз сотишнинг таъқиқланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида”ги 285-сонли қарори қабул қилинган.

Акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек, қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Алкогол ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб келиниши ва ишлаб чиқаришнинг олдини олиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, республика ҳудудида маркаланмаган ёки қалбаки акциз маркалари билан маркаланган, контрабанда йўли билан олиб келинган сифатсиз маҳсулотларни сотиш ҳолларини учратиш мумкин. Акциз маркаларидаги ҳимоянинг амалдаги даражаси уларни қалбакилаштириш ва нусха олиш ҳолларига тўлиқ барҳам бериш имконини бермади, натижада бозорда қалбаки маркали товарлар сотувда учрамоқда.

1999 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги 589-сонли йўриқномага асосан Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олиш мақсадида Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитасининг ҳудудий органлари ўз ишларида мазкур йўриқномага амал қилишлари ва унинг бажарилишини таъминлашлари шарт.

Акциз солиғини тўловчилари бўлиб, мулк шаклидан ва солиққа тортишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар акцизоти товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, оддий ширкат акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги акциз солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланади. Солиқ кодексининг 283-моддасига асосан акциз солиғини тўловчилари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

табiiй газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар;

бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади;

оддий ширкат иштирокчиси бўлган, оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган акциз тўланадиган товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият бўйича оддий ширкат ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали акциз тўланадиган товарларни олиб ўтувчилар. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур шахслар солиқ тўловчилар деб эътироф этилади;

телекоммуникация мобил алоқа хизматларини (акциз тўланадиган хизматларни) кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;



Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Четдан олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади. Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бензинни, дизел ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензиннинг, дизел ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган ҳажми солиқ базаси ҳисобланади. Акциз тўланадиган товарлар ва хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлоқ суммада (қатъий), шунингдек адвалор ва қатъий ставкалардан ташкил топган аралаш ставкада белгиланади. Акциз солиғининг ставкалари мутлоқ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади. Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқариладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир. Иш хақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгиладиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади. Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади. Солиқ ставкалари ҳар календар йил учун Президент қарори билан белгиланар эди. 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети мамлакатимизда илк бор қонун сифатида тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорида 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети қонун сифатида тасдиқланиши белгилаб қўйилган. Мисол учун, барча ривожланган давлатларда давлат бюджети қонун сифатида тасдиқланиши ўрганилди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги Қонунини ишлаб чиқиш жараёнида ҳалқаро молия институтлари, шу жумладан, Ҳалқаро валюта жамғармаси экспертлари билан бирга ушбу қонун лойихаси ишлаб чиқилган ва тўлиқ ҳалқаро стандартлар талабларига жавоб бериши Давлат бюджетининг қонуни сифатида тасдиқланиши, биринчи навбатда, давлат бюджети ижросида парламент ваколатларини, яъни вазирлик ва идораларнинг ҳисобдорлигини, давлат бюджети ижросида эндиликда уларнинг парламент олдидаги, яъни Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорликларини бирмунча оширади. Давлат бюджети маблағлари бу халқнинг маблағларидир. Парламент вакиллари, депутатларимиз эса бу бевосита халқнинг вакиллари сифатида ушбу маблағларни тақсимлаш ва келгусида мазкур вазирлик ва идоралардан маблағлар ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботларни қабул қилиш, яъни сўраб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мобил алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июл ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилади. Акциз солиғини ҳисоблаш Солиқ кодекснинг 232-моддасига мувофиқ аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг суммаси Солиқ кодекснинг 232-моддасида белгиланган чегирма суммасига камайтиради:

-Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

-Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини ҳисобварак-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварак-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

-Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварак-фактурада ёки божхона юк декларатсиясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган акциз тўланадиган товарлар топширилаётганда ҳам қайта ишлашга берилган акциз тўланадиган хом ашё ва материалларнинг мулкдори акциз солиғи тўлаганлигини тасдиқлаши шарти билан қўлланилади.

Акциз солиғини солиқ даври - йил чораги солиқ давридир.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A / 100$$

бу эрда:

O - солиқ солинадиган оборот;

A - акциз солиғи ставкаси.

Ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби

Акциз солиғини йил оyi солиқ давридир. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг 10-қунидан кечиктирмай тақдим этилади. Акциз солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади. Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади. Ҳозирги кунда акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари қуйдаги маълумотларни ўз ичига олади:

- Акциз солиғи тўловчиси тўғрисида маълумотлар;
- Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобига, чегирилиши лозим бўлган акциз солиғи сўммаси тўғрисидаги маълумотнома;
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобига, чегирилиши лозим бўлган акциз солиғи сўммаси тўғрисидаги маълумотнома;
- Табийий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- Табийий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобини қилиш пайтида чегириладиган акциз солиғи сўммаси тўғрисида маълумотнома.

Ушбу ҳисоботларни тўлдиришда хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури танланиб, кейин тўлдириш талаб этилади. Акциз солиғи бошка соликлардан фаркли равишда истеъмол жараёнида ундириладиган солик бўлганлиги боис, маълум вақт ўтиши билан эмас операция содир булган вақтнинг ўзида ҳисобланади ва дастлабки ҳужжатда ўз аксини топади. Амалдаги қонунчиликка кўра ҚҚС ва фойда солиғи солиқ тўловчилари томонидан Давлат солиқ ва статистика органларига қуйидаги молиявий ҳисобот шакллари тақдим этилади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситалар харакати тўғрисида ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар хақида ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисида ҳисобот;

Бизга маълумки, республикамызда акциз солиғи иккита йўналишда, яъни республикамызда юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган акциз ости товарларидан ҳамда республикамыз ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарларидан ундирилмоқда. Мамлакатимизда юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган акциз ости товарларидан акциз солиғини ундириш Давлат солиқ кумитаси зиммасига юклатилган. Мамлакатимиз ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарлардан акциз солиғининг ҳисоби ва унинг бюджетга келиб тушиши устидан назоратни Давлат божхона қўмитаси ваколатига берилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра рўйхатлар ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади. Акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан сўмларда ундирилади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига кирим қилинади. Республика ҳудудига акциз тўланадиган товарларни олиб кирувчи, мулкчилик шаклидан катъи назар юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларатсиясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади. Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C \times A / 100$$

бу эрда:

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.



Пиво, алкогольли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган оборот қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = C \times 100 / (100 - A)$$

бу эрда:

O - солиқ солинадиган оборот;

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки бир бирлик ўлчови учун АҚШ долларларида белгиланади. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи олинмайдиган товарларнинг жисмоний шахслар томонидан олиб кирилиши бўйича белгиланган нормалар"га кўра жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга нисбатан акциз солиғи татбиқ этилмайди. Мажбурий равишда маркаладиган, олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғини тўловчилар акциз маркаларини харид қилиш чоғида контракт (баёнот берилган) қийматидан ҳисобланган акциз солиғи суммасининг 100 фоизини тўлайдилар, бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи суммасидан ортик миқдорда тўланади, маблағлар белгиланган тартибга кўра республика бюджетига кириб қилинади. Маркаланган, акциз тўланадиган товарлар олиб кирилганда акциз солиғи суммаси божхона қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади. Давлат божхона қўмитаси ҳудудий божхона бошқармаларининг қарорига кўра тўловчига, товарларнинг божхона расмийлаштируви санасидан бошлаб 2 ойдан ошмайдиган муддатга акциз солиғини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилиши мумкин. Ортиқча келиб тушган акциз солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши керак. Улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммалари қайтарилишини талаб қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундириш сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;

акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун асос бўлган божхона юк декларатсияси;

товарлар (ишлар, хизматлар) чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарга илова қилинувчи ҳужжатлар. Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Акциз солиғини маъмуриятчилигидаги асосий муаммолардан бири ҳам солиқ тўловчилар, ҳам солиқ органлари учун тартибларнинг мураккаблиги ҳисобланади. Жараёнлар ва талабларни соддалаштириш мувофиқликни оширишга ва маъмурий юкни камайтиришга олиб келади. Мониторинг ва ижро механизмларини кучайтириш солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва акциз тўланадиган товарларнинг ноқонуний савдосини чеклашга ёрдам беради. Илғор технологиялар ва маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ва даромадларни йиғишни ошириш имконини беради. Этил спирти реализация қилишда махсус ахборот тизими орқали GPS қурилмага эга бўлган транспорт воситалари ҳаракатини лицензияловчи орган томонидан кузатиб борилишини жорий этиш ҳамда ушбу тизимни Солиқ қўмитасининг ахборот базасига интеграция қилиш.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

Delipalla, S. (2009). Commodity tax structure and informal activity. *Bulletin of Economic Research*, 61(3), 283-294.

Giles, D. E., Tedds, L. M., & Werkneh, G. (2002). The Canadian underground and measured economies: Granger causality results. *Applied Economics*, 34(18), 2347-2352.

Hai, O. T., & See, L. M. (2011a). Behavioral intention of tax non-compliance among sole-proprietors in Malaysia. *International Journal of Business and Social Science*, 2(6), 142-152.

Боровко Л.В. (2012) Формирование социально-ориентированной модели акцизного налогообложения и эффективность её развития. // Проблемы экономики и юридической практики, № 6, с. 71-75.

Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. (2021) Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента. // Иқтисодиёт ва таълим, № 3, с. 96-103.

Каширина, М.В. (2017) Проблемы уплаты акцизов на алкогольную продукцию в России / М. В. Каширина, Б. Б. Ташполатова // Московский экономический журнал. - № 5. - С. 32.

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Ғулом нашриёт уйи. - 640 б.

Тегетаева О.Р. (2016) К проблемам реформы акцизного налогообложения. // Налоговый менеджмент. № 6. С. 23-27.

Троянская М.А., Низамиева Ю.О. (2013) Совершенствование акцизного налогообложения как инструмента налогового регулирования. // Бизнес в законе, № 8, с. 121.